

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“МАШИНАСОЗЛИК” факультети

**“ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”
кафедраси**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА

ТУШИНТИРИШ ХАТИ

Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Ишчилар сони 55та бўлган ўсмир ёшидаги ўғил болаларни ёзги пиджагини ишлаб чиқаришга мўлжалланган тикувчилик цехини технологияси”

Битирувчи: “ЕСМТ” йўналиши

4-курс талабаси:

Мирзалиев Хамидулло

Факультет декани:

Т. Алматаев

Кафедра мудири:

М. Умарова

**Битирув малакавий
иши раҳбари:**

Ф.У. Араббоева

Маслаҳатчилар:

Б. Ҳамдамов

Андижон -2012

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
“МАШИНАСОЗЛИК” факультети
“ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”
кафедраси
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА
ТОПШИРИҚ

Бажарувчи Х.Мирзалиев

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Ишчилар сони 55та бўлган ўсмир ёшидаги ўғил болаларни ёзги пиджагини ишлаб чиқаришга мўлжалланган тикувчилик цехини технологияси”

Институтнинг 2011йил 7 декабрдаги 293-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини бажариш учун маълумотлар:
Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, илмий техник ва техник адабиётлар, умумий маълумотлар, интернет янгиликлари.

3. Тушунтириш хатида келтирилган маълумотлар:

1) Кириш: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида тикувчилик саноатини аҳамияти ва Президент И.А. Каримовнинг енгил саноат корхоналарини такомиллаштириш ва касаначиликни ривожлантириш тўғрисида қарорлари.

2) Модел танлаш ва асослаш: Ушбу бўлимда ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини замонавий мода йўналиши ўрганилди ва пиджак модели танланди ва асосланди.

3) Материал танлаш ва асослаш: Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини тайёрлаш учун тикувчилик газлама танланди ва асосланди.

4) Конструкция қисми: Қонструкция қисмида ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини чизма асосини қуриш учун конструкциялаш усулини танланди ва асосланди, буюм асосий деталлари чизмаларини қуриш учун дастлабки маълумотлар ва модел учун конструкция ҳисоби бажарилиб қурилади.

5) Технологик қисми: Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини тикиш учун асбоб –ускуна ва тикиш усуллари танланади ҳамда асосланади, технологик тартибни тузилади ва иқтисодий самарадорлик ҳисобланади.

6) Технологик жараёнларни лойиҳалаш: Ишлаб чиқариш оқимининг шакли ва тури танланади, ишлаб чиқариш оқимининг асосий параметрларини ҳисобланади, оқимининг технологик схемасини тузилади, оқимининг технологик схемасини таҳлил қилинади ва оқимнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш оқимида иш ўринларини жойлаштириш ва цех планини тузилади.

7) Иқтисодий қисм: Корхонани асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади.

8) Мехнатни муҳофаза қилиш: Тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналарида ҳавони чангдан тозалаш жараёни кўриб чиқилади

9) Хулоса: БМИ бўйича хулосалар шакллантирилади.

10) Адабиётлар рўйхати: БМИ да ишлатилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

11) Интернет янлиликлари: Кийимлар ассортиментлари мода йўналишлари, замонавий жиҳозлар таърифлари келтирилади.

4. Битирув малакавий ишини чизмалар рўйхати:

1) Модель танлаш ва асослаш.

2) Модель чизма асоси.

3) Ишлов бериш усуллари.

4) Синхрон ва монтаж графиклар.

5) Тикувчилик цехини плани.

5. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Бошланиш муддати	Тугаллани ш муддати	имзо	Маслаҳатчилар фамилияси
	Кириш	06.02.2012	05.03.2012		Ф. Араббоева
1.	Модел танлаш ва асослаш	13.02.2012	08.03.2012		Ф. Араббоева
2.	Материал танлаш ва асослаш	05.03.2012	13.03.2012		Ф. Араббоева
3.	Конструкция қисми	12.03.2012	17.03.2012		Ф. Араббоева
4.	Технологик қисм	10.04.2012	23.04.2012		Ф. Араббоева
5.	Технологик жараёнларни лойиҳалаш	21.05.2012	26.05.2012		Ф. Араббоева
6.	Иқтисодий қисм	30.05.2012	01.06.2012		Ф. Араббоева
7.	Мехнатни муҳофаза қилиш	04.06.2012	07.06.2012		Б. Ҳамдамов
	Хулоса	08.06.2012	09.06.2012		Ф. Араббоева
	Адабиётлар рўйхати	11.06.2012	13.06.2012		Ф. Араббоева
	Интернет янлиликлари	14.06.2012	16.06.2012		Ф. Араббоева

6. Топширик берилган сана: 07.12.2011 йил.

7. Битирув малакавий ишини топшириш санаси:
19.06.2012 йил.

Битирув малакавий ишининг раҳбари: Ф.У. Араббоева _____

Топширик бажариш учун қабул қилинди: Х.Мирзалиев _____

Кафедра мудири: т.ф.н. М.Н. Умарова _____

Мундарижа

	Кириш	3-5
1.	Модел танлаш ва асослаш	7-11
2.	Материал танлаш ва асослаш	13-16
3.	Конструкция қисми	17-23
3.1.	Конструкциялаш усулини танлаш ва асослаш	18-20
3.2.	Буюм асосий деталлари чизмаларини қуриш учун дастлабки маълумотлар	21
3.3.	Конструкция ҳисоби ва қуриши	22-23
4.	Технологик қисм	24
4.1.	Асбоб –ускуна ва тикиш усуллари танлаш ҳамда асослаш	25-27
4.2.	Технологик тартибни тузиш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш	27-44
5.	Технологик жараёнларни лойиҳалаш	45-67
5.1.	Ишлаб чиқариш оқимининг шакл ва турини танлаш	46-48
5.2.	Ишлаб чиқариш оқимининг асосий параметрларини ҳисоблаш	48-49
5.3.	Ишлаб чиқариш оқимининг технологик схемасини тузиш	49-59
5.4.	Ишлаб чиқариш оқимининг технологик схемасини таҳлил қилиш	60-63
5.5.	Оқимнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш	64-66
5.6.	Ишлаб чиқариш оқимида иш ўринларини жойлаштириш ва цех планини тузиш	67
6.	Иқтисодий қисм	68-72
7.	Мехнатни муҳофаза қилиш	73-60
	Хулоса	82
	Фойдаланилган адабиётлар	84-85
	Интернет янлиликлари	86-92

КИРИШ

Кириш

Маълумки, бугун юртимиз аҳолисининг қарийб ярмидан кўпроғи ёш авлод ташкил этади. Уларнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ёшларга кенг имкониятлар берилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Енгил саноати корхоналари ривожланиб бормоқда. Республикада бир қатор қўшма корхоналар ишга туширилган “АНТЕКС”, “Ойим текстиль”, “ОЛТИН ТЕРИ” ва “Фикентекс” каби қўшма корхоналарни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Енгил саноат корхоналари олдида қуйидаги вазифалар илгари сурилмоқда:

- Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришг ҳажмини кўпайтириш;
- Кийимлар, пойафзаллар, трикотаж буюмлари ассортиментини кенгайтириш;
- Замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- Корхоналарга замонавий техника ва технологияни жорий этиш;
- Корхоналарни ишлаб чиқариш жараёнида типик (стандарт) жуссалардан кенг қўлланиш ва ҳ.к.

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга оширилиши йўллари Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида инқрозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари-белгиланган комплекс чора-тадбирларида кўрсатилган [3].

Тикувчилик саноатида бу вазифаларни бажариш учун аввало технологияни такомиллаштириш талаб қилинади. Янги кам операцияли технологиялар яратиш тикувчилик буюмларига ишлов беришни такомиллаштиришдаги истикболли йўналиш ҳисобланади. Кийимнинг, кийим деталларини ва узелларининг конструкциясида чокларни иложи борица кўпроқ камайтириш, намлаб-иситиб ишлов бериш ускуналарининг

виброманекен сингари бир жараёнли турларида материалларга уларнинг тебромпластик хусусиятига ҳисобига шакл бериш, бириктириш ва безаш жараёнларини бирлаштириш (масалан, мағиз, тасма қўйишда), елим материаллардан кенг фойдаланиш ва ҳ.к. ана шундай камоперацияли технологияга киради. Кийимни сифатини яхшилаш учун кимёвий материалларнинг янги турларидан фойдаланиш керак бўлади. Тўқима ва трикотаж, сунъий замша, сунъий газлама ва сунъий трикотаж, плёнка копланган материаллар, нотўқима материаллар, елим копламали махсус котирма материаллар, хилма-хил фурнитуралар ва ҳ.к. ана шундай материал турларидан ўйибланади.

Параллел ишлов бериш ускуналарида ультратовуш ёрдамида пайвандлаш синтетик материаллардан ва синтетик тола аралаш материаллардан тайёрланган кийим деталларини бирлаштиришнинг энг самарали усулидир.

Юқори сифатли кийимларни оммавий тикишнинг комплек-автоматлашган корхоналарни яратиш, жумладан, ишлаб чиқаришнинг тайёрлов-бичиш, тикиш ва пардозлаш учасикаларидаги; тайёр маҳсулотни ўраш ва сақлаш жойлардаги асосий технологик жараёнлар учун ҳисоблаш техникаси, микропроцессор воситаларидан кенг фойдаланиладиган махсус ихтисослашган тизимлар, линиялар, роботкомплекслар, янги ярим автомат тикув ускуналари ишлаб чиқаришдан иборат.

Кийим конструкциясини яратишдан бошлаб то тайёр маҳсулот сотилгунигача қадар мосланувчанлиги таъминлаш учун автоматлаштирилган бошқарув тизимини маҳқллий тармоқларга бириккан шахсий ЭХМлар базасида такомиллаштириш ҳам катта вазифаларидан биридир.

Тайёр кийим юқори сифатли ва уни тикиш (ишлаб чиқариш) иқтисодий жиҳатидан самарали бўлиши учун кийим лойиҳалаш вақтидаёқ бунга замин яратилади. Тикувчилик саноати ходимлари айтишича боисдан лойиҳалаш имкониятларини излайдилар ва топишга ҳаракат

қиладилар. Ички ва ташки бозорларда рақобатбардош, аҳоли эҳтиёжини ҳар томонлама қондирадиган кийимларни ишлаб чиқарилиши ҳар биримизни асосий мақсадимиз. Шунинг учун мен, менга “Тўқимачилик саноати буюмлари технологияси” кафедраси томонидан берилган топшириққа кўра битирув малакивай ишимда юқори сифатли ва рақобатбардош, замонавий мода йўналишига жавоб берадиган ўсмир ёшидаги ўғил болаларни ёзги пиджагини ишлаб чиқаришга мўлжалланган тикувчилик технологиясини яратишни ўз мақсадим деб топдим.

МОДЕЛ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

Замонавий мода йўналиши

Ўсмир ёшидаги ўғил болаларни ёзги пиджагини моделларини лойиҳалаш жараёнининг бир бўлими, бу бугунги кундаги ушбу ассортиментга мода йўналишини ўрганиб чиқишдир. Чунки мода йўналишини билмасдан биз юқори сифатли рақобатбардош ўсмир ёшидаги болалар пиджагини моделини яратишга имконимиз бўлмайди.

Ўрганилган адабиётлардан Биз бугунги кунда ўсмир ёшидаги болалар кийимларида асосан учта йўналишдаги мавзу тавсия этамиз. Жумладан,

1. Юксалик йули. Бу ўсмир болаларда ишбилармон инсонларнинг классик кастюми билан биргаликда махсус кийимлар – саёхат учун, отда юриш, матацикл миниш, матрос, торедор либослардан фойдаланилишидир.

2. Орзулар даври. Бу ўғил болаларни романтик ва экзотик мотивлар аралашган услубларни уйғунлигида моделларга қизиқишидир. Бунда манбаа бўлиб кадимий Испания, Балакан мамлакатлари, Россия Хитой ва бошкаларнинг халк кийимлари ҳисобланади.

3. Миллий аъаналарга таянган ҳолда замонавий моделларни яратиш.

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар ёзги пиджак моделлари ўсмир ёшидаги болалар образи билан боғлиқ бўлиб, уларни яратишда қуйидагиларга амал қилиниши тавсия этилади. Ранг материаллари бир – бирига ухшаш, лекин тарикиби ҳар хил булган матоларини куллаш мумкун. Ранги қулай ва функционалдир. Спорт ва ҳар кунги услуб учун шнурли тик ёка, такилиб – ечиладиган деталлар ва енглар, ёзги кийимлардаги капшюнлар, ёка ва енглар учун трикотаж матони куллаш ҳаққондир. Кийимлар тайёрлашда янги усулларда тукилган ва ишлов берилган матоларни ва трикотажни ишлатилиши тавсия этилади. Урта осие иклимий шароитидан келиб чикиб турли хилдаги кийимлар тайёрлашда Ўзбекистонда ишлаб чиқилган табиий толадаги (шои, пахта, жун) ва Россияда ишлаб чиқилган зигир толали матолар тавсия этилган.

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар ёзги пиджакларига куйиладиган талаблар

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар ёзги пиджаклари моделларини ишлаб чиқиш жараёнида биринчи навбатда ўсмир ёшидаги ўғил болалар ривожланиш босқичлари, уларни психо-физиологик ҳолатлари ва бугунги кундаги пиджакларга истеъмолчилара бўлган талабни ҳисобга олиниши керак. Бу эса пиджакларга қўйиладиган талабларни шаклланишида маълум бўлади. Пиджакларни лойихалаш ишларини бошлашдан олдин уларга қўйилган талаблар дастури тузишдан бошланади. Пиджакларга қўйиладиган талаблар икки гуруҳга ажратилади: *истеъмолчи* (матлуботчи)лар *талаблари* ва *саноат-экономика нуктаи назаридан куйиладиган талаблар*.

Биринчи гурӯҳга эксплуатацион, эстетик, гигиеник талаблар, кийимнинг товарлик сифатига, қуринишига оид ва бошқа талаблар киради.

Эксплуатацион талаблар деганда, пиджакларни вазифасига ва фойдаланиш шароитларига мослиги, қулайлиги, чидамлилиги, ишончилиги, формасининг барқарорлиги тушунилади.

Эстетик талаблар деганда, пиджакларни модага мослиги, янги материаллардан тикилганлиги, янги безаклар ишлатилганлиги, истеъмолчиларнинг эстетик дидларини қидириши тушунилади.

Гигиеник талабларга пиджакларнинг иссиқлик баланси, ҳаво ўтказувчанлиги, ички (кийим остидаги) нам-тердан ёки ташқи нам (қор-ёмғир) таъсиридан ҳимоялаш даражаси, енгиллиги, конструкциясининг қулайлиги (кишининг нормал физиологик функцияларига ҳалақит бермаслиги) киради. Гигиеник талаблар бирмунча умумийроқ бўлиб, эргономик талабларни ҳам ўз ичига олади; эргономик талаблар эса антропометрии, гигиеник ва психо-физиологик мосликка оид бир қанча қўлқўлчиларни ўз ичига олади.

Иккинчи гурӯҳга технологик, "стандартлаштириш ва унинг методлари, тежамкорликдан" иборат талаблар киради. Тежамкорлик лойихалаш харажатлари, ишлаб чиқаришни технологик, конструкторлик ва

техник жихатдан тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, истеъмолчиларнинг ундан фойдаланиш харажатлари билан характерланади. Куп модели потокларда тайёрланадиган моделларга технологик бир хиллик жихатдан қушимча талаблар қўйилади: бу талаблар корхоналарнинг унификациялаштирилган баркарор потокларда ишлашини таъминлайди. Пиджакларни лойиҳалашда мен жакетларга қўйилган талаблардан биринчи даражалик моҳиятга эга деб эстетик, эксплуатацион (ишлатилиш) ва гигиеник талабларни қабул қилдим, чунки пиджакнинг асосий вазифаси ўғил болалар танасини ташқи муҳитни салбий таъсиридан ҳимоялаш учун хизмат қилади, ва ишлатиш шароитига ҳам чидамлик бўлиши талаб қилинади ҳамда юбка замонавий мода йўналишига мос қилиниб тайёрланиши шарт.

Пиджакларни ташқи кўринишини тавсифи

1-модель

Ярим жун газламадан тикиган ўсмир ёшидаги бўғил болалар пиджаги. Тўғри бичимли, ўтказма узун енгли. Пиджак пастки қисмида қирқма қопқоқли чўнтак билан ишлов берилган. Пиджак туридаги қайтарма ёқали. Кўкрак қисмида икки қоторли витачкали. Олд бўлаги бир бортли марказма тақилмали тўота тугмага қадалган. Олд бўлагини чап томонида листочка чўнтакли.


2-модель

Ярим жун газламадан тикиган ўсмир ёшидаги бўғил болалар пиджаги. Тўғри бичимли, ўтказма узун енгли. Пиджак пастки қисмида қирқма қопқоқли чўнтак билан ишлов берилган. Шалка туридаги қайтарма ёқали. Кўкрак қисмида витачкали. Олд бўлаги бир бортли марказма тақилмали иккита тугмага қадалган. Олд бўлагини чап томонида листочка чўнтакли.

3-модель

Ярим жун газламадан тикиган ўсмир ёшидаги бўғил болалар пиджаги. Тўғри бичимли, ўтказма узун енгли. Пиджак пастки қисмида қирқма рамкали чўнтак билан ишлов берилган. Пиджак туридаги қайтарма ёқали.

Кўкрак қисмида витачкали. Олд бўлаги бир бортли марказма тақилмали
иккита тугмага қадалган. Олд бўлагини чап томонида листочка чўнтакли.



Моделларнинг ташки кўриниши
(1- расм)

МАТЕРИАЛ ТАҲЛАШ ВА АСОСЛАШ

Ўсмир ёшидаги ўғил болаларни ёзги пиджаги учун мато

танлаш ва асослаш

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар психо-физиологик ривожланишидан, Республикамиз иқлимий шароитидан ҳамда ўғил болалар ёзги пиджакларига қўйилган талаблардан келиб чиқиб мен битирув малакавий ишимда пиджакларни тикиш учун ярим жун ҳамда ип газламаларни тавсия қиламан, чунки бу газламалар яхши гигиеник ҳамда ишлатиш талабларига жавоб берадилар. Ишлаб чиқариш усулуга қараб, жун газламалар “комволь” ва мовут газламаларга бўлинади. Камволь газламалар қайта тараш усулида йигирилган калава ипдан тўқилади. Бундай газламалар жун газламалар ичида энг юпка ва енгил ҳисобланади, уларнинг ўрилишлари яққол билиниб туради. Мовут газламалар аппарат усулида йигирилган калава ипдан тўқилади ва комволь газламадан қалинлиги, вазни, чанг олувчанлиги билан фарқ қилади. Мовут газламалар ўзига хос майинликка эга, сирти кийгиз симон, ёки тараб чиқарилган тукдор бўлади. Мовут газламалар майин жундан тўқилган мовут ва калта толалаи дағал мовутларга бўлинади. Дағал мовут газламалар майин мовутдан фарли улароқ бармоқларга катик уннайди ва ботади. Савдо прејскурантига кўра, жун газламалар гуруҳларига (ишлаб чиқариш усулига ва толавий таркибига қараб) ҳамда кичик гуруҳларга (нимага ишлатилишига қараб) бўлинади.

Янги структурали ва ўрилиши нақшли газламалар ишлаб чиқариш ҳамда “классик” тизимли газламаларнинг ташки кўриниши ва пластик хоссаларини яхшилаш ҳисобига жун газламалар ассортименти янгиланиб турилади. Ассортиментни ривожлантиришдаги янги йўналишлар ипак симон силлиқ сиртли майин пластик газламалар, кўп рангли меланж калава ипдан текис сиртли газламалар, шаклдор калава ипдан майда рельефли, ғадир-будур ёки текис сиртли газламалар, тукли шу жумладан бахмалсимон сиртли газламалар тўқиш билан боғлиқ.

Пиджак учун тик ва ётиқ тукли, жингаланланган гулдор нитрон толали ҳажмдор структурали газламалар ишлаб чиқарилади. Ярим жун драпларда пахта ипдан бўлган танда бутунлай ёпилиб туради.

Лавсанли ярим жун газламалар асосан чизиқли зичлиги 22,2 тексХ 2, баъзан 31, 2 текс, 30,3 тексХ2, 29,4 тексХ 2,25 тексХ2 ва 23,8 текс Х 2 ли калава иплардан аралаш, полотно, креп-сатин, саржа ўрилишларда тўқилади. Таркибида 40% жун бўлган газламаларда кўпинча 16,6 тексли комплекс вискоза иплар ёки 2,22 тексли профилланган комплекс капрон иплар ишлатилади. Таркибида 60% лавсан бўлган аралаш жун калава ипдан ҳам газламалар тўқилади. Лавсанли ярим газламалар 1 кв минг вазни 180-300 граммга тенг.

Ўрта Осиё иклимий шароити жакетларни ишлаб чиқишда гигиеник талабларига алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Шунинг учун пиджаклар тикиш учун ип газлама ва уни аралашмасини таклиф қиламан.

Ип газламаларни тўқишда тўқувчилик ўрилишларининг барча турларидан фойдаланилади.

Бўялиши жихатидан ип газламалар хом, оқартирилган, сидирға, меланж, гулдор ва гул босилган хилларга бўлинади. Ювилиб кетмайдигон аппретли ғижимланмайдигон ва киришмайдигон қилиб пардозланган ип газламалар ишлаб чиқарилган йилдан йилга кўпаймоқда. Пиджалик газламалар қуйидаги йўналишларида ривожланмоқда:

1. Шаклини яхши сақлайдигон газламалар яратиш.
2. Янги структурали газламалар ишлаб чиқариш. Зархалли каштали ва шу каби янги газламалар ишлаб чиқарилмоқда.

Пиджаклик газламалар гуруҳи жуда турли туман, Бу гуруҳга ёзги қишки, мавсумбоп ва кимёвий комплекс иплар қўшиб тўқилган газламалар киради. Ёзги газламалар кичик гуруҳига сийрак, бюпка ва енгил газламалар киради. Улар асосан гулли бўлиб ишлаб

чиқарилмоқда, лекин оқартирилган ҳам бўлади. Майя, вольта, виаль, маркизет қайта тараши усулида йиғирилган калава ипдан полотно ўрилишда тўқилади. Булар ҳозир ҳам кам ишлаб чиқарилмоқда. Канафас, Весна, Креп ўртача йўғонликдаги калава ипдан майда гулли ўрилишда тўқиладигон гулли газламалар.

Пата-лавсан газламалар полотно ва майда гулли ўрилишлардаги сидирға бўлган, гулдор, ҳамда босма гулли газламалар 14-24 тексли калава ипга 33-67% лавсан қўшиб тўқилади, эни 100 см/м, 1 кв м газлаанинг вазни 110-130 грамм.

Пахта лавсандан тўқилган “Виола” газламаси майда гуллар босилган сийрак газламали. 20 тексли калава ипдан креп ўрилишда тўқилади. Тандаси ва арқоғига 25 % лавсан бўлади. Эни 80 см., 1 кв.м. газламанинг вазни 112 гр.

Тавсия қилинган материаллар характеристикаси

2.1.-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби		10см да зичлиги		Ўрилиши	Кенлиги, см	Оғирлиги, гр/м ²
		танда	арқоқ	танда	арқоқ			
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Ярим жун лавсанли	22,2X2	31,2x2	120	120	Аралаш	149	200
2.	Вильвет	30,3x2	29,4x2	110	110	Креп-сатин	149	250
	Пахта-лавсанли газлама	50	70	25,12	16,67	Икки томонли ва икки қатламла ўрилишлар	142	277
	Виолла	22x2	100x2	220	220	Икки томонли ва икки қатламла ўрилишлар	142	555
	Флизилин	Л-67%	В-33%	-	-	-	150	120
	прокламилин	л-67%	В-33%	-	-	-	110	120

Конфекцион карта

2.2-жадвал

Буюм номи	Газлама намуналари		
Ўсмир ёшидаги ўғил болаларни ёзги пиджаги	авра	авра	котирмалик материал
астарлик	елим материл	фурнитура	фурнитура

КОНСТРУКЦИЯ ҚИСМИ

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини лойиҳалаш жараёнлари

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини конструкциялаш жараёни такомиллаштириш ҳозирги вақтда тикувчилик корхоналари олдида турган жуда муҳим масалаларидан бири.

Ҳозирги вақтда кўплаб тииладиган ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджакларини конструкциялаш ишлари ЕСКДга, яъни конструкторлик ҳужжатларини ягона тизимига мувофиқ олиб борилади. КХЯТ типик лойиҳалаш-конструкторлик ишлари тизимини белгилаб беради ва бу ишларнинг беш босқичини ўз ичига олади.

Маиший хизмат тизимида ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини лойиҳалаш ишининг асосини модель тузиш ва конструкторлик ҳужжатларни ишлаб чиқариш ташкил этади. Моделлаштирувчи ташкилотлар бу модель ва ҳужжатларни моданинг йўналишига ҳамда аҳолининг талабига қараб ва яқка буюртма тартибида Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги тикадиган барча корхоналар максимал равишда фойдалана оладиган қилиб тузади.

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги конструкциялаш тизими ва услублари.

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги конструкциясини тайёрлашда қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Муляж услуби, гавданинг ўлчамларига ва чок ҳақларига асосланиш, бошлангич сирт тўғрисидаги маълумотларга асосланиш. Муляж услубини моҳияти, манекен ёки киши гавдасига макет материал моделнинг шаклига қараб, туғнағичлар билан қадаб қўйилади, Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги деталларининг чегараловчи чизиқлари чизиб чиқилади.
2. Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги деталларининг ёйилмасини бошлангич сирт маълумотларига асосланиб чишиш услуби гуруҳи аналитик (тахлил) ва график услубларни ўз ичига қамраб олади.

Аналитик услублар гавда сиртнинг ўлчами ва шакли тўрисидаги маълумотларига асосланадиган назарий ҳисоблашлар мажмуга кирази. График услубда чизма геометрия принципи асос қилиб олинган. Жами услубларни моҳияти ёйилмайдиган сиртларни бўлакларга ва кичик бўлакларга бўлиб чиқишдан иборат. Ёрдамчи бўлакларнинг ҳосил қилинган чизмалари кейинчалик муайян тартибда кетма-кет жойлаштирилиб, Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагисиртининг яхлит чизма ёйилмаси ҳосил қилинади.

Якка буюртма бўйича Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги тикишда ҳисоблаш-ўлчамлар услуби қўлланилади. Бу услубда ўсмир ёшидаги болалар гавдасининг ўлчамлари олинади ва эркаклар пиджагини нинг тўқислиги учун қўшиладиган чок ҳақи аниқланади. Гавданинг ўлчаб олинган маълумотлардан фойдаланиб, конструкция асосий элементларининг размери белгиланади. Конструкция асосий элементларининг ўлчами белгиланади. Конструкция чизмаларининг кам-кўсти ўсмир ёшидаги болалар пиджагинини кийгизиб кўриш вақтида аниқланади ва бартараф этилади.

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги лойиҳалаш учун, яъни унинг конструкциясини қуриш мақсадида мен БМИДа лойиҳалаш учун, яъни унинг конструкциясини қуриш мақсадида Марказий тармоқ тикувчилик лабораторияси (МТТЛ-ЦОТШЛ) ва Тикувчилик саноати марказий илмий тадқиқот институти ТСМИТИ - ЦНИИШП) конструкциялаш услубларини дан фойдаланишни тавсия қиламан.

Бу услубларни ўзига хос жиҳатлира ва афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- Чизмалар учун керакли маълумотларни ҳисоблаш ва чизма чизишда стандартда кўрсатилган кўп сонли ўлчов белгиларига асосланилади;
- Ҳисоблашлар гавданинг ва чизманинг айрим ўлчамлари ўртасидаги энг тўғри боғланишларга асосланган;

- Гавда тузилишининг ҳар бир типига мансуб жуссалар учун ҳисоб ва чизмаларнинг ягона схемасини тузиш мумкин;
- Чок ҳақи тизими ишлаб чиқилганлиги туфайли мода ўзгаришининг аҳамияти йўқ;
- Чизма асосий элементларининг ўлчамини ҳамда енг ўмизи билан енг боши ўртасидаги боғланишни аниқлашда имкон берадиган дастлабки ҳисоблаш берилган;
- Материалларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган;
- Ўсмир ёшидаги болалар пиджагинининг баланс ҳисоби унинг хушбичимлигини таъминловчи муҳим омил бўлганлигидан мазкур услубларда баланс ҳисобига кенг ўрин берилган.

ТСМИТИда катталар ва болалар ўлчамларининг янги типологиясига асосланиб, эркаклар, аёллар ва болалар эркаклар пиджакларини конструкциялаш методлари ишлаб чиқилган; бу услубларда стандарт жуссаларнинг ўлчов белгиларидан максимал даражада фойдаланилган. Конструкция чизмалари стандарт жуссаларнинг ўлчов белгиларини билдирувчи маълумотлар бўйича ҳисоблаб чиқарилади ва чизилади. ТСМИТИ услубида чок ҳақи янада аниқлаштирилган. Ўсмир ёшидаги болалар пиджагининг остки катламлари қалинлигига қўшиб бериладиган ҳақлар тизими ва ҳисоблашнинг батафсил таҳлили, Ўсмир ёшидаги пиджагининг елка қисмидаги конструктив нукталардаги Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджаги қалинлигига қўшиладиган ҳақ берилган. ТСМИТИ услуби универсал ҳисобланади, чунки ҳар хил кўринишдаги ва турли мақсадларга мўлжалланган ўсмир ёшидаги болалар пиджагини деталларнинг чизмасини тайёрлаш шу услубнинг ҳисоблаш формулаларидан фойдаланилади. Формулалардаги фарқ коэффициентларда ҳамда эркин кўринишларда ифодаланади.

Ўсмир ёшидаги болаларни типовой
фигуранинг ўлчамлари

3.1.-жадвал
176-100-82

№	Ўлчамлар номи	Шартли белгиси	Қиймати, см
1	2	3	4
1.	Бўйин ярим айланаси	$C_{бўйин}$	20,3
2.	Кўкрак ярим айланаси 1	$C_{к.1}$	51,2
3.	Кўкрак ярим айланаси 2	$C_{к.2}$	52,0
4.	Кўкрак ярим айланаси 3	$C_{к.3}$	50,0
5.	Бел айланаси	$C_{Т1}$	41,0
6.	Елка айланаси	$O_{ел}$	31,7
7.	Елка кенлиги	$Ш_{ел}$	15,6
8.	Кўкрак баландлиги	$B_{к}$	34,4
9.	Олд бел узунлиги	$D_{олд. бел уз}$	55,8
10.	Орқа бел узунлиги	$D_{орқа бел уз}$	45,7
11.	Елка қиялиги баландлиги	$B_{ел.к}$	49,5
12.	Олд елка қиялиги баландлиги	$B_{олд.ел.к}$	45,3
13.	Орқа бел узунлиги 1	$D_{орқа бел уз1}$	50,8
14.	Олди бел узунлиги 1	$D_{олд. бел уз 1}$	44,9
15.	Олди кенлиги	$Ш_{қ}$	18,9
16.	Орқа кенлиги	$Ш_{ор}$	20,5
17.	Кўкрак маркази	$Ц_{к}$	11,3
18.	Қўлни тирсаккача узунлиги	$D_{қўл тир}$	34,0

3.2.-жадвал


Асос конструкцияни қуриш учун қўшимчалар

№	Қўшимчалар номи	Шартли белгиси	Қиймати, см
1	2	3	4
1.	Орқа кенлиги қўшими	$P_{ор}$	1-1,5
2.	Олди кенлиги қўшими	$P_{олд}$	1-1,5
3.	Орқа ўмиз кенлиги қўшими	$P_{ор ўмиз кенлиги}$	1-1,5
4.	Кўкрак қўшими	$P_{к}$	7-9
5.	Сон айланаси қўшими	$P_{сон}$	4-6
6.	Ўмиз чуқурлиги қўшими	$P_{ўм.чук}$	2,5-3
7.	Орқа ёқа ўмизи қўшими	$P_{ор. ёқа бал}$	0,2
8.	Елка айланаси қўшими	$P_{ел.айл}$	9-10,5
9.	Киришиш қўшими	H	0,06-0,08

Лойиҳаланаётган модель АК ҳисоби.

№	Конструкция бўлаги номи		Ҳисоби	Қий- мати, см
	номи	Шарт ли белги си		
1.	Бўйин нуқтаси	$ТА_0$	$Д_{ор.уз} + П_{ор} \text{ ўмиз кенлиги} + Ур$	46,9
2.	Орқа ўрта чизиғининг қиялиги бошланган нуқта	$A_0У$	$0,3Д_{ор.уз}$	13,7
3.	Сон чизиғи	ТБ	$0,5Д_{ор.уз} - 2,5$	20,4
4.	Орқа ўрта чизиғини жилитилиши	$ТТ_1$	2,2	2,2
5.	Ёрдамчи нуқта	$УУ_1$	$A_0У$	13,7
6.	Орқа ўрта чизиғининг A_0 дан ўтган горизонталдаги жилиш нуқтаси	A_0A_{01}	$П_{гав. хол.} - Г_{бел 1} - 0,3 - У_1У_2$	0,9
7.	Кийимнинг узунлиги	АН	$Д_{кийим} + Ур$	77,5
8.	Орқа ёқа ўмизининг кенлиги	$АА_1$	$С_{бўйин} / П_{ор.ўз.кенг.}$	8,3
9.	Орқа кенлиги	A_0a	$Ш_{ор}$	22,1
10.	Орқа ёқа ўмизи баландлиги	A_1A_2	$0,15 С_{бўйин}$	3,0
11.	Орқа елка нуқтаси П; A_2 дан чиққан ёй	R	$Ёй Ш_{ел.к.} - 0,5$	15,1
12.	Орқа елка нуқтаси П; T_1 дан чиққан ёй	R_2	$(В_{ел.к} - 1,5) + П_{ор.} + 0,5П_{ўм.ўз} + Ур$	50,5
13.	Орқа елка чизиғи	$П П_1$	0,7	0,7
14.	Енг ўмизи кенлиги	T_2T_3	16,1	16,1
15.	Олди бўлак кенлиги	$T_3 T_{04}$	20,9	
16.	Ён виточка ўрни			

Ўсмирлар пиджагини чизма асоси



(2-расм)

ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

Технология қисми

Тикувчилик цехларини ҳисоблаш учун поток қуввати ва ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини тикишга сарфланган ўртача вақт кўрсаткичлари олинади. Потокнинг қуввати лойиҳани техникавий-иқтисодий асослашдан олинади. Ўсмир ёшидаги болалар пиджагини тикишга сарфланган вақт, модел танлаш, танланган материал, деталларни шакллантириш, ишлов бериш усуллари, асбоб- ускуналар ва мосламаларга боғлиқ бўлади.

Ишлов бериш усуллари ва асбоб ускуналарни танлаш ва асослаш.

Оммавий тарзда ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагини тайёрлаш усуллари давлат, тармоқ, республика ва корхона стандартлари, илғор технология, ҳамда ТСМИТИнинг услубий қўлланмалари асосида белгиланади. Технологик жараёнларни лойиҳалашда модабоп пиджакларни ассортиментларини тайёрлаш учун танланган илғор технология ва асбоб- ускуналар, янги материаллар, эластик елимлар, полимер композициялар ва кўп зонали қотирмаларни детал сиртига қўйиш технологиялари, автоматлаштирилган поток тизимларини ишлатишга қаратилиши керак.

Мен БМИда ўсмир ёшидаги болалар пиджагига ишлов бериш усуллари адабиётлар, норматив- техникавий ҳужжатлар (НТХ), тажриба асосида танланамиз. Лойиҳада бу узелларни тайёрлаш усуллари йиғма схема тарзида берилди, унда операциялар кетма- кетлиги тартиби бўйича кўрсатилади. Ҳар бир узелга ишлов беришнинг икки ёки ундан ортиқ усуллари, сарфланган вақтнинг камайиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши ва сифатнинг яхшиланиши бўйича солиштирилади, ҳамда илғор усулнинг лойиҳада қўлланиши асосланади.

Сарфланган вақтнинг қисқариши:

$$T_{в.к} = \frac{T_{э} - T_{я}}{T_{э}} \cdot 100 = \frac{11088 - 10228}{11088} \cdot 100 = 7,75 \%$$

Меҳнат унумдорлигини ортиши:

$$MVO = \frac{T_{\text{э}} - T_{\text{я}}}{T_{\text{я}}} \cdot 100 = \frac{11088 - 10228}{10228} \cdot 100 = 8,41\%$$

бу ерда

$T_{\text{э}}$ - унуми кам бўлган усулда узелга ишлов бериш вақти, сек.;

$T_{\text{я}}$ - унуми юқори бўлган усулда узелга ишлов бериш вақти, сек..

Бундан ташқари ишлов бериш усуллари механизация даражаси ва сифати бўйича солиштирилди. Ишлов бериш сифати операцияларнинг механизация даражаси кўтарилиши ва узелнинг физикавий- механикавий хусусиятларининг яхшиланиши бўйича аниқланади. Механизация даражаси берилган ишлов бериш усулидаги механизациялашган ишларнинг фоизи (%) ҳисоблаб топилади, (K_m).

$$K_m = \frac{\sum T_{\text{мех}}}{T_{\text{ум}}} \cdot 100, \quad \% \quad \text{ёки}$$

$$K_m = \frac{T_m + T_{m/m} + T_{np} + T_{an}}{T_{\text{ум}}} \cdot 100 = \frac{3011 + 782 + 446 + 204}{10228} \cdot 100 = 43,44\%$$

бу ерда: $T_{\text{мех}}$ - узелдаги механизациялашган бўлинмас операциялар вақти, сек; $T_{\text{ум}}$ - узелдаги ишлов беришдаги умумий вақт, сек.

Лойиҳада корхонадаги илғор технологиядан ҳам фойдаланилган. Лойиҳанинг ҳисоб китоб дафтариди ҳар бир узелнинг йиғма схемасидан сўнг, меҳнат сиғимининг камайиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши, механизация даражасининг кўтарилиши жадвалда келтирилади.

Намлаб иситиб ишлов бериш операцияларида дазмол ўрнига пресс қўлланилиш натижасида сифатнинг яхшиланиши, ишчи меҳнатининг энгилланиши бутун жараён учун таҳлил қилинади. Махсус машиналарни, елимлаш ва пайвандлаш усуллариини қўллашнинг самарадорлиги ҳам таҳлил этилади ва олинган самарадорлик жадвалга келтирилади.

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагига ишлов бериш ўзгармай қолган ҳолларда сарфланган вақтнинг ўзгариши жараёнлар қувватининг ортиши йирик бригадалар қўллаш ҳисобига бўлади. Лойиҳанинг ҳисоб-

китоб дафтарида асбоб ускуналарнинг технологик тавсифи, майда механизация мосламалари жадвалларда келтирилади.

Намлаб иситиб ишлов бериш асбоб- ускуналари яъни пресслар, дазмоллар, дазмол столлари, буғ ҳаво- манекенлари, пресс ва дазмол ёстикчалари тавсифи жадвалда келтирилади.

Ўсмир ёшидаги болалар ёзги пиджагини узелини тикишда тикиб улаш ва кийимнинг узелини елимлаб улаш режимларини жадвалларда келтирилади.


Технологик тартибни тузиш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш

Технологик кетма- кетлик жараён секциялари, тикиш усуллари ва танланган асбоб- ускуналар асосида тузилади. Технологик кетма- кетликни тузиш шакли танланган моделга боғлиқ бўлади ва у жараённи ҳисоблаш учун зарур.

Ўсмир ёшидаги ўғил болалар ёзги пиджагини тикиш технологик кетма- кетлигини тузишда барча бўлинмас операцияларнинг тартиб рақами, ихтисоси, разряди, тариф классификацион маълумотномаси асосида тузилади. Операцияларни сарф вақтини аниқлашда норматив-техник хужжатлардан

Корхонада йиғилган маълумотлар асосида топшириққа биноан буюмга ишлов беришнинг амалда қўлланилган сарф вақти, ихтисоси, разряди ва асбоб ускунаси олинади ва 1-8 – устунлар тўлдирилади. Ишлов беришнинг мавжуд усуллари замонавий асбоб ускуна ва технологияларни ҳисобга олган ҳолда ўсмир ёшидаги ўғил болалар пиджагига ишлов бериш усуллари таҳлил қилиниб, бўлинмас операцияларнинг кетма-кетлиги қайтадан кўриб чиқилади ва керак бўлса унга ўзгартиришлар киритилади.

Пиджакка ишлов бериш усуллари



Лойиҳаланаётган узелнинг иқтисодий самарадорлиги

Кийим узелининг номи	Сарфланган вақт, сек		Сарфланган вақтнинг камайиши, сек					Сарфланган вақтнинг камайиши, %	Меҳнат унумдорлигини ортиши, %
	Корхонада	Лойиҳада	Қўл ишларини машинага алмаштириш	Майда механизациялашган мосламаларини қўллаш	Елимли материаллар ишлатиш	Тикишбоп конструкцияларни қўллаш	Корхона қувватини ўзгартириш		
орт	134	100	34	-	-	-	-	25,37	34
олд	1152	710	190	-	-	-	252	38,36	62,25
адип	300	130	170	-	-	-	-	56,6	130,76
ёқа	120	40	80	-	-	-	-	66,6	200
енгнг	120	70	50	-	-	-	-	41,6	100
астар	264	180	34	-	-	-	50	31,81	46,66
Ўзгармайдиган усуллар	8998	8998							
Буюм бўйича умумий	11088	10228	558	-	-	-	302	7,75	8,41

4.2 -жадвал

Универсал ва махсус машиналар ҳақида маълумот

т/р	Машинанинг синфи ва ишлаб чиқарувчи заводи	Машиналарнинг номи мақсадга мувофиқлиги	Бахялар тавсифи					Бир минут даги бахялар сони	Бахяни нг энг катта узунлиги	Игна тури ва рақаами	Ип тури ва рақаами
			бахя	иг на	мок и	чали ш тирги ч	материал сургич				
1.	271=140042 Германия = “Дюркоп” фирмаси	Бириктириб тикадиган 1 игнали моки бахяли машина ип қирқадиган, тепки кўтарадиган, бахяқаторни пухталайдиган ярим автомати мавжуд	Марказий мокили	90-100	марказий	-	рейкали	6000	1-4	№ 90-100	Пахта №40-60 лавсан № 60
2.	63 кл машинаси Подольск	Кийимларни олд бўлақларини борт қотирмасига бостириб кўклашга мўлжалланган	Икки ипли мокили	90-100	марказий	-	рейкали	3000	1-4	№ 90-100	Пахта №40-60 лавсан №

4.3- жадвал

Автомат ва ярим автоматлар таърифи

Т/р.	Машинанинг синфи ва ишлаб чиқарилган заводи	Машинанинг синфи ва ишлаб чиқарилган заводи	Бош валнинг айланиш тезлиги	Бир сменадаги иш унуми	Қўшимча маълумотлар
1	62761 кл. М. Чехославакия “Минерва”	Изма йўрмайдиган ярим автомат	7500	200	Изма узунлиги 13-40 мм
2	С-600 кл.м. Венгрия “Панония”	Тугма чатадиган ярим автомат	1500	125	Бахя 1 ипли занжирсимон

Намлаб иситиб ишлаш ускуналарининг таърифи

Т/р.	Ускуналар номи	маркаси ва ишлаб чиқарувчи заводи	Иш режими			Ўлчамлари, мм			Қўшимча маълумотлар
			Ҳарорат °С	Босим, МПа	Вақт, сек	узунлиги	кенглиги	баландлиги	
1	Электр буғ дазмоли	СУ-1Пл Орлов машинасозлик заводи	120-240	0,5	600	1400	490	1800	Иш унумли 200 тагача Вазни 1,15 кг.
2	Борт котирмаси қўйилган ўнг ва чап томон олд бўлақларга шакл беришда мўлжалланган	АА 1-25 “Тофман”	120-240	0,5	600	1500	1500	1800	Автоматик бошқариладиган пневматик пресс

Тикиб улаш операциялари ва режими

т/р.	Чок номи	Қўллаш жараёни	Ипларнинг чалишиш тури	Тавсия қилинадиган		Режимлар		
				Асбоб ускуна	мослама	Игна номери	Ип номери	Баҳя йириклиги
1	Бириктирма	Ён ва ўрта қирқим	Мокили	271=140042	ип қирқадиган, тепки кўтарадиган, бахяқаторни пухталайдиган ярим автомати мавжуд	№ 90-100	Пахта №40-60 лавсан № 60	1-4
2	Ағдарма	чўнтак қопқоқ, Ёқа,	мокили	271=140042	ип қирқадиган, тепки кўтарадиган, бахяқаторни пухталайдиган ярим автомати мавжуд	№ 90-100	Пахта №40-60 лавсан № 60	1-4

Елимлаб улаш операциялари ва режими

т/р	Операция номи	Ишлаш жараёни	Асбоб ускуна	Намлаб иситиб ишлаш							
				дазмоллаш				пресслаш			
				Ҳарорат °С	Намлик, %	Босим, МПа	Вақт, сек	Ҳарорат °С	Намлик, %	Босим, МПа	Вақт, сек
1	Деталларга қотирмалик ёпиштириш	Қиздириб ёпиштириш	СУ-1Пл	120-240	-	0,5	20	-	-	-	-
4	Борт қотирмаси қўйилган ўнг ва чап томон олд бўлақларга шакл беришда мўлжалланган	Қиздириб шакл бериш	АА 1-25 “Гофман”	-	-	-	-	120-240	-	0,5	600

Асбоб ускуналарни юқори унумдорлигига ўзгартирилган операцияларда бўлинмас операцияларнинг Янги сарф вақти куйидаги формула бўйича аниқланади:
$$t = t - \frac{L \cdot m \cdot 60}{k \cdot n_y} + \frac{L \cdot m \cdot 60}{k \cdot n_y} - t'$$
 бу ерда: - иш бирлигини Янги аниқланган вақти, сек; - иш бирлигининг аввалги мавжуд вақт нормаларига асосан белгиланган вақт, сек; - операциядаги баҳяқаторнинг узунлиги; - машиналарнинг салт юритишдаги аввалги тезлиги; - машиналарни салт юритишдаги янги айланиш тезлиги; - қисқартирилган ёрдамчи вақт, сек. Янги асбоб ускунани қўллаш натижасида бўлинмас операцияларнинг сарф вақти қисқаради, жараённинг самарадорлиги меҳнат унумдорлиги ўсади. Асбоб ускуна замонавийсига (янгисига) ўзгартирилганда эришилган натижалар жадвалнинг 9-12 гача бўлган устунларида келтирилади. Ўсмир ёшидаги болалар ишлов беришда технологик операцияларни ўзаро боғланишини кўрсатиш мақсадида технологик жараён граф модели тузилади. Граф моделни тузишда операцияларни кетма- кет ва параллел ишлов берилиши кўзда тутилади. Жараён операциялари кетма- кет бажарилаётганлиги графда кетма- кет жойлашган иш занжири кўринишида, параллел белгиланадиган операциялар эса икки, уч, ва ҳ.к. кўринишида, параллел иш занжири кўринишида кўрсатилади. Айрим вақтларда операцияларни бажариш тартиби бир хил бўлиши мумкин. Графикда бундай операцияларни ромб шаклида кўрсатилади. “Сузувчи операциялар” деб аталувчи (пиджак чокларини, чўнтак баҳяқаторини) якунловчи НИИБ якунида бажарилиши мумкин. Жараён графда бундай операциялар асосий жараёндан ташқарида, уларни бажариш мумкин бўлган вақт оралиғда кўрсатиб бажарилади. Граф жараёнига аниқ кўринишни бериш учун деталлардан бири деб ҳисобланади. Бу деталга бошқа деталларни ва фурнитурани бириктириш кўзда тутилади. Буюмда бошқа деталлар билан конструктив-технологик боғланиши энг кўп бўлган детал асосий деб ҳисобланади. Шу детални аниқлаш учун деталларни ўзаро боғланиш матрицаси тузилади.

Деталларни ўзаро боғланиш матрицаси


Деталлар коди	01	02	03	04	05	Ўзаро боғланиш йиғиндиси
01	x	1	0	1	1	3
02	1	x	0	0	1	2
03			x			0
04				x		0
05	2					2


Бу ерда,
 01- олд бўлак;
 02- орт бўлак;
 03- енг устки қисми.
 04-енг остки қисми;
 05- устки ёқа.

Граф- моделни тузишда асосий детал графнинг ўртасига жойлаштирилади, қолганлари эса унга нисбатан чап ва ўнг томонига қўйилади. Бажарилган бўлинмас операциялар доира шаклида кўрсатилади.

Унинг ичида:

- бўлинмас операциянинг тартиб рақами- N_i
- операциянинг бажариш вақти- t_i
- ихтисоси- c_i
- разряди- r_i





4.1- расм. Технологик жараён граф-модели.

Ўсмир ёшидаги болалар ёзги пиджагини тикилишини технологик тартиби

т/р	Амалда					т/р	лойиҳада					Меҳнат самарадорлиги		Меҳнат унумдори, %
	Бўлинмас операция номи	ихтисослиги	разряд	Сарф вақт, сек	Асбоб ускуна		Бўлинмас операция номи	ихтисослиги	разряд	Сарф вақт, сек	Асбоб ускуна	сек	%	
1.	Бичиқ деталларни текшириш	қ	3	38,6	-	1.	Бичиқ деталларни текшириш	қ	3	38,6	-			
2.	Деталлардаги бўр чизикларни тиклаш ва ўтказиш	қ	2	276	бўр	2.	Деталлардаги бўр чизикларни тиклаш ва ўтказиш	қ	2	276	бўр			
3.	Бўр чизикларни деталларнинг иккинчи бўлагига ўтказиш	қ	2	132	бўр	3.	Бўр чизикларни деталларнинг иккинчи бўлагига ўтказиш	қ	2	132	бўр			
4.	Ён чўнтак ўрнини белгилаш	қ	2	108	Лекало	4.	Ён чўнтак ўрнини белгилаш	қ	2	108	Лекало			
5.	Олд бўлак витачка ўрнини белгилаш	қ	3	138	Лекало	5.	Олд бўлак витачка ўрнини белгилаш	қ	3	138	Лекало			
6.	Олд бўлак енг ўмизига елим уқа епиштириш	д	3	204	ППУ-1	6.	Олд бўлак енг ўмизига елим уқа епиштириш	д	3	204	ППУ-1			
7.	Олд бўлак ека ўмизига елим уқа епиштириш	д	3	192	ППУ-1	7.	Олд бўлак ека ўмизига елим уқа епиштириш	д	3	192	ППУ-1			

8.	Олди бўлакка дублирин епиштириш	д	3	130	ППУ -1	8.	Олди бўлакка дублирин епиштириш	д	3	80	пре сс	50	38, 4	62,5
9.	Орт бўлак бўйин ўмизига елимли уқа ёпиштириш	д	3	216	ППУ -1	9.	Орт бўлак бўйин ўмизига елимли уқа ёпиштириш	д	3	216	ПП У-1			
10.	Орт бўлак энг ўмизига елимли уқа ёпиштириш	д	3	216	ППУ -1	10.	Орт бўлак энг ўмизига елимли уқа ёпиштириш	д	3	216	ПП У-1			
11.	Орт бўлакнинг ўрта қирқимини кўклаш	қ	3	134	Иг на	11.	Орт бўлакнинг ўрта қирқимини кўклаш	мм	3	100	мм	34	25, 37	34
12.	Орт бўлак ўрта чокини бириктириб тикиш	м	3	258	1022	12.	Орт бўлак ўрта чокини бириктириб тикиш	м	3	258	102 2			
13.	Орқа бўлак ўрта чокини дазмоллаш	д	4	80,4	ППУ -1	13.	Орқа бўлак ўрта чокини дазмоллаш	д	4	80,4	ПП У-1			
14.	Адип улоқларини тикиш	М	3	318	1022	14.	Адип улоқларини тикиш	М	3	318	102 2			
15.	Адип улоқларини чокларини ёриб дазмоллаш	д	4	576	ППУ -1	15.	Адип улоқларини чокларини ёриб дазмоллаш	д	4	576	ПП У-1			
16.	Адип қайтармасига дублирин ёпиштариш	д	3	762	ППУ -1	16.	Адип қайтармасига дублирин ёпиштариш	д	3	762	ПП У-1			
17.	Энг учига дублирин ёпиштириш	д	3	288	ППУ -1	17.	Энг учига дублирин ёпиштириш	д	3	288	ПП У-1			
18.	Остки ёқа қисмини кўклаш	қ	2	120	Игна	18.	Остки ёқа қисмини кўклаш	мм	3	40	мм	80	66, 6	200
19.	Чўнтак листочкасини букиш чизиғини белгилаш	қ	2	126	Лека ло	19.	Чўнтак листочкасини букиш чизиғини белгилаш	қ	2	126	Лек а ло			
20.	Листочкага дублирин епиштириш	д	3	150	ППУ -1	20.	Листочкага дублирин епиштириш	д	3	150	ПП У-1			
21.	Чўнтак қопкокга	д	3	132	ППУ	21.	Чўнтак қопкокга	д	3	132	ПП			

	қотирмалик ёпиштариш				-1		қотирмалик ёпиштариш				У-1			
22.	Қопқоқни астар билан тикиш	м	3	132	1022	22.	Қопқоқни астар билан тикиш	м	3	132	1022			
23.	Қопқоқ бурчакларини керттиш	қ	2	150	қайчи	23.	Қопқоқ бурчакларини керттиш	қ	2	150	қайчи			
24.	Қопқоқни ўнгига ағдариш	қ	2	90	-	24.	Қопқоқни ўнгига ағдариш	қ	2	90	-			
25.	Қопқоқни дазмоллаш	д	4	228	ППУ-1	25.	Қопқоқни дазмоллаш	д	4	228	ППУ-1			
26.	Қопқоқга бириктириш чокини белгилаш	қ	2	150	Лекало	26.	Қопқоқга бириктириш чокини белгилаш	қ	2	150	Лекало			
27.	Чўнтак пастки мағизларини ён томонларини йўрмаш	мм	3	156	51	27.	Чўнтак пастки мағизларини ён томонларини йўрмаш	мм	3	156	51			
28.	Олд бўлак витачкасини тикиш	м	3	150	1022	28.	Олд бўлак витачкасини тикиш	м	3	150	1022			
29.	Олд бўлак витачкасини қирқиш	қ	3	222	қайчи	29.	Олд бўлак витачкасини қирқиш	қ	3	222	қайчи			
30.	Олд бўлакка дублирин ёпиштириш	д	4	270	ППУ-1	30.	Олд бўлакка дублирин ёпиштириш	д	4	270	ППУ-1			
31.	Олд бўлак ён чўнтак ўрнига бўйлама қўйиш	қ	2	66	-	31.	Олд бўлак ён чўнтак ўрнига бўйлама қўйиш	қ	2	66	-			
32.	Ён чўнтак астарига пастки мағизларни тикиш	м	4	246	1022	32.	Ён чўнтак астарига пастки мағизларни тикиш	м	4	246	1022			
33.	Ён чўнтак астарига қопқоқни бостириб тикиш	м	3	252	1022	33.	Ён чўнтак астарига қопқоқни бостириб тикиш	м	3	252	1022			
34.	Олд бўлакка юқори мағизларини ва қопқоқларни тикиш	м	3	172	1022	34.	Олд бўлакка юқори мағизларини ва қопқоқларни тикиш	м	3	172	1022			

35.	Олд бўлакка пастки мағизларни бириктириб тикиш	М	3	168	1022	35.	Олд бўлакка пастки мағизларни бириктириб тикиш	М	3	168	1022			
36.	Чўнтак ўрнини қирқиш	қ	3	168	Қайчи	36.	Чўнтак ўрнини қирқиш	қ	3	168	Қайчи			
37.	Чўнтакни ичкарига ағдариш	қ	2	168	-	37.	Чўнтакни ичкарига ағдариш	қ	2	168	-			
38.	Чўнтак четларини пухталаш	м	3	108	1022	38.	Чўнтак четларини пухталаш	м	3	108	1022			
39.	Чўнтак халталарини тикиш	м	3	108	1022	39.	Чўнтак халталарини тикиш	м	3	108	1022			
40.	Чўнтакни дазмоллаш	д	3	168	ППУ-1	40.	Чўнтакни дазмоллаш	д	3	168	ППУ-1			
41.	Енгни олди чокини тикиш	м	4	12,5	1022	41.	Енгни олди чокини тикиш	м	4	12,5	1022			
42.	Енгни ўрта чокини тикиш	м	4	144	1022	42.	Енгни ўрта чокини тикиш	м	4	144	1022			
43.	Кўклаган ипларни суғириш	қ	3	8,5	Қайчи	43.	Кўклаган ипларни суғириш	қ	3	8,5	Қайчи			
44.	Остки ёқа қисмларини бириктириб тикиш	м	4	9,7	1022	44.	Остки ёқа қисмларини бириктириб тикиш	м	4	9,7	1022			
45.	Остки ёқа кўклаш ипини суғириш	қ	3	6,2	Қайчи	45.	Остки ёқа кўклаш ипини суғириш	қ	3	6,2	Қайчи			
46.	Ён чокларни кўклаш	қ	3	72	Игна	46.	Ён чокларни кўклаш	мм	3	32	мм	40	55,5	125
47.	Елка чокларни кўклаш	қ	3	60	Игна	47.	Елка чокларни кўклаш	мм	3	30	мм	30	50	100
48.	Астарни елка чокини тикиш	м	4	12,5	1022	48.	Астарни елка чокини тикиш	м	4	12,5	1022			
49.	Енг астарни тирсак чокини тикиш	м	4	13,2	1022	49.	Енг астарни тирсак чокини тикиш	м	4	13,2	1022			
50.	Енг аврасини тирсак чокини тикиш	м	5	12,4	1022	50.	Енг аврасини тирсак чокини тикиш	м	5	12,4	1022			

51.	Енгни пастки чокини кўклаш	қ	3	120	Игна	51.	Енгни пастки чокини кўклаш	мм	3	70	мм	50	41,66	71,4
52.	Ён чокларни кўклаш	қ	3	120	Игна	52.	Ён чокларни кўклаш	мм	3	50	мм	70	58,33	140
53.	Ён чокларни тикиш	м	4	53	1022	53.	Ён чокларни тикиш	м	4	5,3	1022			
54.	Ён чокларни ёриб дазмоллаш	д	5	122	ППУ-1	54.	Ён чокларни ёриб дазмоллаш	д	6	100	пресс	50	40,9	69,44
55.	Кийимни этак букиш чизиғини белгилаш	қ	5	10	Лекало	55.	Кийимни этак букиш чизиғини белгилаш	қ	5	10				
56.	Борт қайтармасини ағдарма чок билан тикиш чизиғини белгилаш	қ	5	5,4	Лекало	56.	Борт қайтармасини ағдарма чок билан тикиш чизиғини белгилаш	қ	5	5,4				
57.	Адипни бортга кўклаш	қ	3	120	Игна	57.	Адипни бортга кўклаш	мм	3	50	мм	70	58,33	140
58.	Адипни кўклаганда хосил бўлган бурмаларни кириштириб дазмоллаш	д	5	20,3	ППУ-1	58.	Адипни кўклаганда хосил бўлган бурмаларни кириштириб дазмоллаш	д	5	20,3	ППУ-1			
59.	Адипни этагини букиш қўшимига бостириб тикиш	м	5	6,2	1022	59.	Адипни этагини букиш қўшимига бостириб тикиш	м	5	6,2	1022			
60.	Борт чокини ёриб дазмоллаш	д	5	9,5	ППУ-1	60.	Борт чокини ёриб дазмоллаш	д	5	9,5	ППУ-1			
61.	Борт зийини кўклаш	қ	4	180	Игна	61.	Борт зийини кўклаш	мм	4	80	мм	100	55,5	125
62.	Борт қайтармаси, борт зийини, этагини дазмоллаш	д	5	12,5	ППУ-1	62.	Борт қайтармаси, борт зийини, этагини дазмоллаш	д	5	12,5	ППУ-1			
63.	Адип ўмизининг текислаб қирқиш	қ	5	14,5	Қайчи	63.	Адип ўмизининг текислаб қирқиш	қ	5	14,5	Қайчи			

64.	Астарни кийимга мослаб кертимлар кўйиш	қ	5	12,3	Қайчи	64.	Астарни кийимга мослаб кертимлар кўйиш	қ	5	12,3	Қайчи			
65.	Астарда адипни кўшилиши чизигини белгилаш	қ	3	4,2	Лекало	65.	Астарда адипни кўшилиши чизигини белгилаш	қ	3	4,2	Лекало			
66.	Астар адипини ички қирқимини кўклаш	қ	4	134	Игна	66.	Астар адипини ички қирқимини кўклаш	мм	3	100	мм	34	25,37	34
67.	Астарни адипга кўшиш	м	6	12,3	1022	67.	Астарни адипга кўшиш	м	6	12,3	1022			
68.	Астар этагини, авра этагини букиш кўшимига кўклаш	қ	5	130	Игна	68.	Астар этагини, авра этагини букиш кўшимига кўклаш	мм	5	80	мм	50	38,4	62,5
69.	Астарни ўнгига ағдариш	қ	4	7,8	-	69.	Астарни ўнгига ағдариш	қ	4	7,8	-			
70.	Астарни этакка тикиш	м	4	5,2	1022	70.	Астарни этакка тикиш	м	4	5,2	1022			
71.	пиджакни ўнгига ағдариш	қ	4	108	-	71.	пиджакни ўнгига ағдариш	қ	4	108	-			
72.	Елка чокни кўклаш	қ	5	130	Игна	72.	Елка чокни кўклаш	мм	5	80	мм	50	38,4	62,5
73.	Елка чокини тикиш	м	4	8	1022	73.	Елка чокини тикиш	м	4	8	1022			
74.	Елка чокини ипини суғириш	қ	5	8,3	Қайчи	74.	Елка чокини ипини суғириш	қ	5	8,3	Қайчи			
75.	Елка чокини ёриб дазмоллаш	д	5	4,3	ППУ-1	75.	Елка чокини ёриб дазмоллаш	д	5	4,3	ППУ-1			
76.	Енгни очик ўмизга кўклаб кўшиш	қ	4	6,0	игна	76.	Енгни очик ўмизга кўклаб кўшиш	қ	4	6,0	игна			
77.	Енгни ўмизга ўтказиш	м	6	109,7	1022	77.	Енгни ўмизга ўтказиш	м	6	109,7	1022			
78.	Адип ўмизи ва остки ёка ўмизини кўклаш	қ	4	24,1	игна	78.	Адип ўмизи ва остки ёка ўмизини кўклаш	қ	4	24,1	игна			
79.	Ёка кўшилган чокини ёриб	д	5	10	ППУ	79.	Ёка кўшилган чокини	д	5	10	ПП			

	дазмоллаш				-1		ёриб дазмоллаш				У-1			
80.	Енг бурмасини қирқиб дазмоллаш	д	6	7,5	ППУ -1	80.	Енг бурмасини қирқиб дазмоллаш	д	6	7,5	ПП У-1			
81.	Астарни дазмоллаш	д	5	15,0	ППУ -1	81.	Астарни дазмоллаш	д	5	15,0	ПП У-1			
82.	Борт, ёқа, орқа бўлакка дазмоллаш	д	5	7,5	ППУ -1	82.	Борт, ёқа, орқа бўлакка дазмоллаш	д	5	7,5	ПП У-1			
83.	Олд бўлак, орқа бўлак, ён чокларни дазмоллаш	д	5	194	ППУ -1	83.	Олд бўлак, орқа бўлак, ён чокларни дазмоллаш	д	5	132	пре сс	80	24, 09	60,6
84.	Устки елка таглигини тикиш	М	4	19,3	1022	84.	Устки елка таглигини тикиш	М	4	19,3	102 2			
85.	Енгни қўйимини ўмизга таглигига тикиш	м	5	13,6	1022	85.	Енгни қўйимини ўмизга таглигига тикиш	м	5	13,6	102 2			
86.	Енг астарини ўмизга улаш	м	5	114	1022	86.	Енг астарини ўмизга улаш	м	5	114	102 2			
87.	Елка чокини ва енг астарини ўрта чокини тикиш	м	4	4,8	1022	87.	Елка чокини ва енг астарини ўрта чокини тикиш	м	4	4,8	102 2			
88.	Астар ўмизини ўртасига ва ёқа ўмизини ўртасига мослаб илмоқ тикиш	м	4	55,9	1022	88.	Астар ўмизини ўртасига ва ёқа ўмизини ўртасига мослаб илмоқ тикиш	м	4	55,9	102 2			
89.	Астарни аврага қўшилган чокини бўйин ўмизига пухталаш	м	4	24,8	1022	89.	Астарни аврага қўшилган чокини бўйин ўмизига пухталаш	м	4	24,8	102 2			
90.	Астарнинг ўнг енгидаги ўрта чокидаги очик жойини тикиш	м	6	34	1022	90.	Астарнинг ўнг енгидаги ўрта чокидаги очик жойини тикиш	м	6	34	102 2			
91.	Авранинг енг ўмизини астарнинг енг ўмизи чокига маҳкамлаш	м	6	36,8	1022	91.	Авранинг енг ўмизини астарнинг енг ўмизи чокига маҳкамлаш	м	6	36,8	102 2			
92.	Енгни астар томонига	қ	2	75,7	-	92.	Енгни астар томонига	қ	2	75,7	-			

	ағдарыш						ағдарыш							
93.	Енг астарининг олд чокни учидан 12 см масофада тикиш	м	6	62,3	1022	93.	Енг астарининг олд чокни учидан 12 см масофада тикиш	м	6	62,3	1022			
94.	Енг старини енг учининг букиш қўйимини тикиш	м	5	34,4	1022	94.	Енг старини енг учининг букиш қўйимини тикиш	м	5	34,4	1022			
95.	Енг авраси ва астари чокларини пухталаш	м	5	42,3	1022	95.	Енг авраси ва астари чокларини пухталаш	м	5	42,3	1022			
96.	Енг учи қўйимини енгни олди чокига пухталаш	м	5	28,4	1022	96.	Енг учи қўйимини енгни олди чокига пухталаш	м	5	28,4	1022			
97.	Енг астарининг олд чокидаги очик жойини тикиш	м	5	37,5	1022	97.	Енг астарининг олд чокидаги очик жойини тикиш	м	5	37,5	1022			
98.	Енгни ўнгига ағдарыш	қ	5	10,9	-	98.	Енгни ўнгига ағдарыш	қ	5	10,9	-			
99.	Борт зийини кўклаш ипини суғириш	қ	2	19,9	қайчи	99.	Борт зийини кўклаш ипини суғириш	қ	2	19,9	қайчи			
100.	Этак букилган ипини суғириш	қ	3	15,2	қайчи	100.	Этак букилган ипини суғириш	қ	3	15,2	қайчи			
101.	Пиджакдаги бўр чизикларни учириш	қ	2	15,2	-	101.	Пиджакдаги бўр чизикларни учириш	қ	2	15,2	-			
102.	Пиджакни иплардан тозалаш	қ	2	38,7	-	102.	Пиджакни иплардан тозалаш	қ	2	38,7	-			
103.	Изма ўрнини белгилаш	қ	3	5,4	Лекало	103.	Изма ўрнини белгилаш	қ	3	5,4	Лекало			
104.	Изма очиш	мм	6	112,4	827	104.	Изма очиш	мм	6	112,4	827			
105.	Тугма қадаш жойларини аниқлаш	қ	4	15,0	Лекало	105.	Тугма қадаш жойларини аниқлаш	қ	4	15,0	Лекало			
106.	Тугмаларни қадаш	мм	6	52,8	525-	106.	Тугмаларни қадаш	мм	6	52,8	525			

					01						-01			
107.	Пиджакни ахлатлардан тозалаш ва охирги НИИБ	Д	6	324	ППУ -1	107.	Пиджакни ахлатлардан тозалаш ва охирги НИИБ	д	6	218, 2	пре сс	10 5,8	32, 6	48,4 8
108.	Пиджакни қадоқлаш	Қ	4	58,4		108.	Пиджакни қадоқлаш	Қ	4	58,4				

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

5. Технологик жараёнларни лойиҳалаш

